

Ўзбекистонда sog'liqni saqlash Здравоохранение Узбекистана



Газета 1995 йил октябрь ойидан чиқа бошлаган • www.uzssgt.uz, info@uzssgt.uz • 2013 йил 15 ноябрь • № 46 (963)

Эътироф ва рағбат

КАСБГА ҲУРМАТ, ЭЛГА ХИЗМАТ – ОЛИЙ САОДАТДИР

дейди меҳнати юксак қадрланган тиббиётимиз фидойилари

Жорий йилнинг 9 ноябрь куни Тошкент врачлар малакасини ошириш институти ва республикамиз ҳудудларидаги барча даволаш муассасаларида «Тиббиёт ходимлари куни»га бағишланган байрам тадбирлари бўлиб ўтди.

Мамлакатимизда соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш, аҳолига сифатли тиббий хизмат кўрсатиш, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш каби устувор вазифалар мустақилликнинг илк йилларидаёқ амалиётда акс эта бошлади. Давлат сиёсатининг мақсадли йўналишлари доирасида «Ўзбек модели»нинг ишлаб чиқилиши, босқичма-босқич амалга оширилаётган ижтимоий-сиёсий, иқтисодий, маънавий-маърифий тадбирлар ва уларнинг келажак истиқболи, қонунчилик базаси билан мустаҳкамланаётган тараққиёт мезонлари ягона талабга, яъни инсон манфаатларига хизмат қилиши билан янада аҳамиятлидир. «Соғлом юрт – соғлом миллат» тушунчасининг бош тиббий омил сифатида амалиётга киритилиши, нафақат тиббиёт ходимлари,

балки кенг жамоатчиликнинг ҳам тенг ҳуқуқли, масъулиятли ва шарафли вазифасига айланмоғи кенгайгани давлатимиз раҳбари ўз фикрларида кўп бора ифода этади.

Тошкент врачлар малакасини ошириш институтида бўлиб ўтган байрам тадбирида муваффақият ва эришилган натижалар тилга олиниб, тиббиётимиз жонқуярларининг фидойи меҳнатлари эътироф этилди.

Албатта, бундай ютуқларнинг барчаси истиқлолнинг инсон саломатлигини яхшилаш борасида берган имкониятларидир. Шу боис, яратилган шарт-шароитлар, хусусан, соғлом авлод тарбияси билан боғлиқ кенг қамровли лойиҳалар йилдан-йилга такомиллашиб, ўз самарасини кўрсатмоқда. Чунки, даврнинг тубдан ўзгариши барча соҳалар



(Давоми 2-бетда).

БИРЛАМЧИ ТИЗИМ ФАОЛИЯТИНИ ЯНАДА ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

замонавий тиббиёт имкониятларини кенгайтиради

Юртимиз аҳолисини тиббий-ижтимоий муҳофаза қилиш давлат сиёсатининг устувор вазифаларидан бири ҳисобланади. Шу боис, замон талабларига жавоб берадиган тиббиёт муассасаларини қуриш, таъмирлаш ва уларни жиҳозлаш масаласи давлатимизнинг доимий эътиборидадир. Таъкидлаш жоизки, бугунги кунда республикамизнинг қишлоқ ҳудудларида яшовчи аҳолига бирламчи тиббий-санитария ёрдами кўрсатиш мақсадида уч мингдан зиёд қишлоқ врачлик пунктлари ташкил қилинган бўлиб, уларнинг хизмат кўрсатиш салоҳияти ва самарадорлиги шаҳар марказларидаги шифо масканларидан деярли фарқ қилмайди.

Халқаро даражада эътироф этилаётган тиббиётнинг «Ўзбек модели» бугун ўз натижаларини тиббиёт тармоқларида яққол намойиш этмоқда. Тезкор давр ҳар сония ривожланишни, янгиликлар сари интилишни ва замонга ҳамоҳанг тарзда ҳаракатланиш-



ни тақозо этмоқда. Тиббиёт ҳам ўз йўлида такомиллашиб, ривож топиб бормоқда. Бу ўз навбатида юксак билимли кадрларга бўлган талабни оширади, иккинчидан эса аҳолининг ўз саломатлигига бўлган ишончини мустаҳкамлайди.

Буни биргина республикамиз бўйлаб ўтказилаётган саломатлик ҳафталикларида, соғломлаштириш тадбирларида ҳам кўриш мумкин. Ҳозирги вақтда мазкур жараёнларни асосан ҚВПлардаги кенг имкониятлардан фой-

ланган ҳолда олиб бориш йўлга қўйилмоқда. Бундай амалиёт халқимиз соғлигини яхшилашда, фарзадларимиз баркамол ўсишларида муҳим омил бўлиб хизмат қилади.

(Давоми 3-4-бетларда).

Тиббиёт ҳафта ичида

Республикамизда «Халқаро қандли диабетга қарши кураш куни» муносабати билан мазкур хасталикка чалинган бемор болалар учун хайрия акцияси бошланди.

Инвестиция дастури доирасида Тошкент вилояти ўсма касалликлар диспансерининг янги «Даволаш диагностика» биноси қурилиб, фойдаланишга топширилди. Ушбу бўлим мультимодал терапия ўтказиш учун замонавий даволаш-диагностика асбоб-ускуналари билан тўлиқ жиҳозланди.

Пойтахтимизда Колопроктология илмий марказининг очилиш маросими бўлиб ўтди. Замон талаблари даражасида қайта реконструкциядан чиқарилган марказнинг бугунги қиёфаси олдингиларидан тубдан фарқ қилиб, жаҳон стандартлари асосидаги янги технологиялар ҳамда юқори малакали мутахассислар билан таъминланган.

15 ноябрь куни Тошкент шаҳрида XVIII «Воҳидов ўқишлари – 2013» илмий-амалий конференцияси ўз ишини бошлайди.

Эътироф ва рағбат

КАСБГА ҲУРМАТ, ЭЛГА ХИЗМАТ – ОЛИЙ САОДАТДИР

дейди меҳнати юксак қадрланган тиббиётимиз фидойилари



каби тиббиёт тармоғининг ҳам мисли кўрилмаган даражада ривожланишига олиб келмоқда. Демак, бу янгиликларда кенг қатламли аҳолининг бирдек иштироки, фаоллиги ва масъулияти юқорилигини кўриш мумкин. Шунингдек, хориж ва маҳаллий тажрибалар кўламининг кенгайиши баробарида мустақил Ўзбекистон дастлабки йиллардаёқ халқаро доирада ўз ўрни ва мавқеи, кадрлар салоҳияти билан мустақам аҳамият касб этади.

Йиллар сарҳисоби шунини кўрсатадики, мамлакатимизда тиббиёт муассасаларидан тортиб, кадрлар фаолиятигача бўлган жараён янги тартибда ўзгариб, ривожланиш сари юз тутди. Бу албатта, биринчи навбатда қонун устуворлиги билан мустақамланди. Республикада аҳоли саломатлигини сақлаш бўйича янги механизм ишлаб чиқилди. Содда ва ихчам кўринишдаги фаолият турлари ўзининг ихтисослашуви ва тараққиёт дастури билан амалиётга кириб келди. Дастлаб тиббиёт муассасаларининг моддий-техник базаси яхшиланиб, аҳоли яшайдиган ҳудудларга тиббиёт имкониятларини янада яқинлаштириш масаласи кун тартибидан ўрин ола бошлади.

– Бу жараён узоқ муддатли бўлишига қарамадан қисқа фурсатда ўз самарасини кўрсатди, – дейди тадбирни кириш сўзи билан очган Соғлиқни сақлаш вазири Анвар Алимов. – Давлатимиз раҳбарининг бевосита эътибори ва ғамхўрлиги тўғрисида соҳадаги ўзгаришлар, тиббиёт ислохотлари, аҳоли манфаатларига хизмат қилувчи замонавий фаолият турлари, оналик ва болалик муҳофазаси билан боғлиқ масалалар ижтимоий соҳанинг муҳим объектига айланди. Утган ва бугунги давр орасидаги вақт 22 йилни ташкил этса-да, тиббиётимиз ривожини халқаро аҳамият даражасида юксалди, тараққиёт этди ва бу жараён узлуксиз равишда давом этиб келмоқда. Албатта, бунинг замирида юртимиздаги 72 мингдан ортиқ шифокору 300 мингга яқин ҳамширанинг шараф-

касбларига бўлган иштиёқ ва ишчанлик фазилатларининг ошишига хизмат қилмоқда десак, янгиликларимиз. Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 5 октябрда «Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш аълочиси» кўрак нишонини таъсис этиш тўғрисида»ги 2009-сонли қарори қабул қилиниб, мазкур қарорга асосан, ҳар йили байрам арафасида тизимга ўзининг самарали меҳнати билан етарлича ҳисса қўшган ва касбий малакага эга бўлган мутахассислар ушбу кўрак нишонини билан тақдирланиб келмоқдалар.

ҳодимларининг малака ва маҳоратини ошириш, соҳада орттирилган илғор тажрибани оммалаштириш борасида қатор лойиҳалар ҳаётга татбиқ этилмоқда. «Энг намунали қишлоқ врачлик пункти», «Энг намунали оилавий поликлиника», «Энг яхши умумий амалиёт врачлари», «Энг яхши патронаж ҳамшираси» каби номинациялар бўйича ўтказиб келинаётган аънавий танлов ана шундай лойиҳалардандир.

Тантанали маросимда ушбу танловнинг 2013 йилдаги ғолиблари эълон қилинди.

Навоий вилояти Навбахор туманидаги «Жамбул» қишлоқ врачлик пункти «Энг намунали қишлоқ врачлик пункти» номинацияси бўйича биринчи ўринни эгаллади ва Damas автомашинаси билан тақдирланди.

Марғилон шаҳридаги 1-оилавий поликлиника «Энг намунали оилавий поликлиника» деб топилди. Сирдарё вилояти Боёв тумани 1-Боёв тумани 2-бўлим қишлоқ врачлик пункти мудири Гулчехра Назарова «Энг яхши умумий амалиёт врачлари», Наманган вилояти Чуст туманидаги «Каркидон» қишлоқ врачлик пункти патронаж ҳамшираси Насиба Султонова «Энг яхши патронаж ҳамшираси» номинацияси бўйича ғолиб бўлди. Танлов ғолиб

ва совриндорларига қимматбаҳо совғалар топширилди.

– Қишлоқ врачлик пункти-миз уч мингга яқин аҳолига хизмат кўрсатади, – деди Навоий вилояти, Навбахор туманидаги «Жамбул» қишлоқ врачлик пункти шифокори Лола Қурбонова. – «Саломатлик» лойиҳалари доирасида янги тиббий технологиялар билан жиҳозланган шифо масканимизда тиббий-профилактика ишларини юқори савияда ташкил этиш учун барча шароитлар яратилган. Шифокорлар ва патронаж ҳамшираларимиз хонадонларда бўлиб, касалликларнинг олдини олиш, соғлом турмуш тарзи бўйича тарғибот-тушунтириш ишларини мунтазам олиб борадилар.

Сўзга чиққан номинация ғолиблари Юртбошимиз, қолаверса, Соғлиқни сақлаш вазирлигининг кўрсатилган эътибор ва ғамхўрлигидан миннатдор эканликларини ўз сўзларида баён этдилар.

– Ҳар қандай билим тинимсиз изланиш ва ҳалол меҳнат эвазига қурилади. Шу маънода, ҳар бир шифокор бугунги ўзгаришлар даврида билимларини мустақамлаб бориши, замон билан ҳамнафас ҳолда соҳанинг янги ютуқларини ўз фаолиятида татбиқ этиши ҳамда бор маҳоратини инсонлар саломатлиги муҳофазаси йўлида сарф этмоғи керак. Менга берилган мукофотни муассасамиз жамоасининг ана шундай мақсадларга эришиш йўлидаги фаолиятига берилган муносиб баҳо, деб биламан. Келажақда, албатта, бизга билдирилган ишонччи оқлашга, халқимиз саломатлиги йўлида бор куч ва имкониятларимизни аямасдан, сикқидилдан меҳнат қилишга сўз берамиз, – дейди Сирдарё вилояти Боёв тумани 1-Боёв тумани 2-бўлим қишлоқ врачлик пункти мудири Гулчехра Назарова.



ли меҳнати ётганлигини алоҳида таъкидлаш жоиз. Шу боис бўлса керак, ҳар йили Юртбошимиз томонидан бир гуруҳ соҳа фидойилари давлатимизнинг юксак мукофотлари билан тақдирланадилар. «Тиббиёт ходимлари кунини»да эса улар фаолиятини кўлаб-қувватлаган ҳолда вазирлик томонидан «Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш аълочиси» кўрак нишонининг топширилиши юқоридagi эътиборнинг мантиқий давомидир, десак хато бўлмайди.

Шундан сўнг, Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, Республика Хотин-қизлар кўмитаси раиси Элмира Боситхнова ҳамда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари кўмитаси раиси Мамазоир Хўжамбердиев тизимда эришилаётган ютуқларнинг барчасида соҳа мутахассисларининг машаққатли ва масъулиятли меҳнатлари беқиёслигини ҳамда тиббиёт ислохотлари замирида инсон ҳаёти ва унинг тиббий-ҳуқуқий манфаатлари, соғлом авлод келажаги пойдеворини бунёд этиш каби эзгу мақсадлар мужассамлигини ўз фикрларида баён этиб, республика тиббиёт ходимларини байрам билан самимий кутлашди.

Фахр билан айтиш ўринлики, давлатимиз раҳбарининг ташаббуслари билан соҳа мутахассислари байрамнинг жорий қилиниши ва ҳар йили кўтаринки кайфиятда нишонланиши уларнинг



Мазкур байрам арафасида республикамиз тиббиёт муассасаларида меҳнат қилаётган бир гуруҳ шифокору ҳамширалар «Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш аълочиси» кўрак нишонини билан тақдирландилар. Бу борада, тизимнинг бирламчи бўғинига қаратилган эътибор ҳам бундан мустасно эмас. Демак, мамлакатимизда тиббиёт соҳасида амалга оширилаётган ислохотлар жараёнида ушбу шарафли ва масъулиятли касб эгалари фаолиятини ҳар томонлама кўлаб-қувватлаш ва рағбатлантириш алоҳида эътиборга молик вазифадир.

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан бу борадаги ишлар кўламини кенгайтириш мақсадида тиббиёт



Байрам тадбирида концерт дастури намойиш этилди. Унда дилтортар наволар ва кулгу усталарининг чиқишлари даврага ўзгача шуқуқ олиб кирди.

Дарҳақиқат, шифокорлик – бу ўта мураккаб, сермашаққат ва масъулиятли касбдир. Ана шу олижаноб фазилатларга муносиб фидойи тиббиёт ходимлари бор экан, кўнглимиз хотиржам, оилаларимиз саломатлиги мустақам, фарзандларимиз баркамол, юртимиз ҳам ободдир. Ўтказилган тантанали тадбирда ҳам шифокорларимизга хос ана шундай эзгу фазилатлар юксак қадрланди. Меҳнатлар эътироф этилди. Касбидан бахт топган фидойи, жонқуяр соҳа ходимлари эса яна бир карра эъзозланди. Биз ҳам ўз навбатида тиббиёт ходимларининг шарафли ва масъулиятли ишларига улкан зафарлар тилаб қоламиз.

Ибодат СОАТОВА,
Суратлар муаллифи
Анвар САМАТХОДЖАЕВ.



Насиба СУЛТОНОВА,
Наманган вилояти, Чуст
туманидаги «Каркидон» қишлоқ
врачлик пункти патронаж
ҳамшираси, «Энг яхши патронаж
ҳамшираси» номинацияси ғолиби:

– Мана бир неча йилдирки, ҚВПмиз ҳудуд аҳолисига сифатли тиббий хизмат кўрсатиб, улар ўртасида тарғибот ишлари олиб бориш орқали турли касалликларнинг олдини олиш ва даволаш юзасидан бир қатор ижобий натижаларга эришиб келмоқдамиз. Бу жараёнда биз каби

патронаж ҳамширалари аллақачон оилаларнинг яқин ва ишончли ҳамкорига айландик, десам ҳам бўлади. Ўтказилган «Энг яхши патронаж ҳамшираси» республика танлови ҳам бу борада орттирган тажриба ва касб маҳоратининг яна бир бор синовдан ўтишида муҳим аҳамиятга эга бўлди. Ушбу танловда ғолиба бўлганлигим қалбимни янада тўлқинлантириб юборди. Албатта, билдирилган ишонччи оқлашга ва халқимиз саломатлиги йўлида астойдил хизмат қилишга тайёрман.

(Давоми. Боши 1-бетда).



БИРЛАМЧИ ТИЗИМ ФАОЛИЯТИНИ ЯНАДА ТАКОМИЛЛАШТИРИШ замонавий тиббиёт имкониятларини кенгайтиради

Бугунги кунда соғлиқни сақлаш тизимида амалга оширилаётган ислохотлар, асосан, инсон учун, унинг манфаати, турмуш фаровонлигини таъминлаш ҳамда соғлом яшашига қаратилганлиги билан аҳамиятлидир. Шундай экан, замонавий ҳамда халқаро андозалар даражасидаги тиббий хизматни барпо этиш, бу албатта, баркамол авлодни вояга етказиш – соҳада олиб борилаётган ислохотларнинг мазмун-моҳиятини ташкил этади. Тизимдаги ислохотлар натижасида аҳолига бирламчи тиббий санитария хизмати кўрсатиш соҳасида мустақиллик йилларида тубдан ўзгаришлар амалга оширилганлиги ҳамда бирламчи тиббиётнинг миллий модели яратилганлиги барчамизга маълум.

– 1998-2011 йилларда “Саломатлик-1, 2” лойиҳалари доирасида республикадаги ҚВПлар қиймати 76 миллион доллар бўлган замонавий тиббий асбоб-ускуналар, лаборатория жиҳозлари билан тўлиқ таъминланди. 1056 та ҚВПга

санитария ёрдами тизимида 7800 нафардан ортиқ умумий амалиёт шифокорлари фаолият юритмоқдалар. Уларнинг 500 нафардан ортиги “Саломатлик 1, 2, 3” лойиҳалари доирасида махсус 10 ойлик ўқув курсларида ўқитилди. Маълумки, 2009 йилдан буён



GSM стандартли стационар телефон аппарати ўрнатилди ва ҚВПларнинг алоқа тизими билан таъминоти 97,7 фоизга етди. Шунингдек, қишлоқ аҳолисини арзон ва сифатли дори-дармонлар билан таъминлашни яхшилаш мақсадида 2010-2012 йилларда 1200 га яқин ҚВПларда дорихона шахобчалари ташкил қилинди. 2013 йилнинг тўққиз ойлигида эса яна 232 та ҚВПларда дорихона филиаллари ташкил этилди. Аҳолига кўрсатилаётган тиббий санитария ёрдами сифат ва самарадорлигини ошириш мақсадида 2010 йилдан консолидатор харид йўли билан ҳар бир ҚВП эҳтиёжига кўра бирламчи ва тез тиббий ёрдам кўрсатиш учун зарур дори-дармонлар ва реактивлар харид қилинмоқда. Бугунги кунда бирламчи тиббий

(Давоми. Боши 1-бетда).

республика тиббиёт олийгоҳлари ва ихтисослаштирилган илмий-амалий тиббиёт марказларининг профессор-ўқитувчилари ва етук мутахассислари иштирокида 1312 та ҚВПда кадрлар малакасини ошириш, диагностика ва даволаш жараёнига стандартларни жорий қилиш, тиббий ҳужжатларни юритиш юзасидан намунавий ҚВПларни ташкил этиш бўйича тадбирлар олиб борилмоқда. Шунингдек, ҳар ойда республика ихтисослаштирилган марказлари, республика ихтисослаштирилган илмий-амалий тиббиёт марказлари ва республиканинг етакчи клиника мутахассислари томонидан “Фертиль ёшидаги аёллар, ўсмир қизлар ва болаларни соғломлаштириш ҳафталиклари” ўтказилиб, беморларни тизимли кўриқдан ўтказишда ҚВПларга амалий ёрдам кўрсатилмоқда. Вазирлик томонидан ҚВПларда мавжуд

тиббий ҳисоб ҳужжатлари ўрганилиб, уларни мувофиқлаштириш мақсадида 13 та янги шаклдаги журналлар жорий қилинди ва ҚВПда юритиладиган 234 та ўрнига 48 та журналлар қолдирилди. Ҳар бир ҚВП эҳтиёжига кўра тиббий ҳужжатлар тўплами билан таъминланди. Таъкидлаш муҳимки, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 28 ноябрдаги “Соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилишни янада чуқурлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 1652-сонли Қарорининг икки йиллик ижро ҳолати ва эришилган ютуқлар ҳамда қишлоқ врачлик пунктлари фаолиятини ташкиллаштириш юзасидан амалга оширилган ишларнинг мазмун-моҳияти, шунингдек, мавжуд муаммолар ва уларнинг ечими юзасидан келгусидаги вазифалар бўйича октябрь ва ноябрь ойларида Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри ҳамда вилоятларда Соғлиқни сақлаш вазири Анвар Алимов бошчилигида тадбирлар бўлиб ўтди.

“Бирламчи тиббий- санитария ёрдами муассасаларида аҳолига кўрсатилаётган профилактик йўналишдаги тадбирларни такомиллаштириш тўғрисида”ги 161-сонли буйруқнинг қабул қилиниши йўналиш ривожини янада шакллантирди десак, муболага бўлмайди. Бунда ҳар бир оила шифокорининг қабул меъёрлари, оила ҳамшираларининг лавозим йўриқномалари тасдиқлаб берилди, – дейди Соғлиқни сақлаш вазирлиги даволаш-профилактика ёрдами кўрсатиш бош бошқармаси мутахассиси Барно Одилова.

Дарҳақиқат, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 28 ноябрдаги “Соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилишни янада чуқурлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 1652-сонли Қарорининг икки йиллик ижро ҳолати ва эришилган ютуқлар ҳамда қишлоқ врачлик пунктлари фаолиятини ташкиллаштириш юзасидан амалга оширилган ишларнинг мазмун-моҳияти, шунингдек, мавжуд муаммолар ва уларнинг ечими юзасидан келгусидаги вазифалар бўйича октябрь ва ноябрь ойларида Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри ҳамда вилоятларда Соғлиқни сақлаш вазири Анвар Алимов бошчилигида тадбирлар бўлиб ўтди.

Куни кеча Сурхондарё вилояти Термиз тиббиёт коллежида ўтказилган йиғилишда Соғлиқни сақлаш вазири ўз маърузасида соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилишнинг асосий натижалари, яъни аҳоли саломатлигини муҳо-

фаза қилишнинг меъерий-ҳуқуқий асоси яратилганлиги, аввал мавжуд бўлган кўп бўғинли соғлиқни сақлаш тизими ўрнига тиббий ёрдам кўрсатишнинг замонавий ва мақбуллаштирилган ташкилий-институцион тузилмаси қурилганлиги, тиббиёт муассасаларининг тиббий асбоб-ускуналар билан жиҳозланганлик даражаси сезиларли ошганлиги, юқори малакали тиббиёт ходимлари тайёрлаш ва улар меҳнатини моддий рағбатлантиришнинг мутлақо янги тизими яратилганлигини алоҳида таъкидлаб, бу борада эришилган ютуқларни айтиб ўтди. Ундан ташқари, 1652-сонли қарорнинг асосий йўналишлари бўлган, яъни 2012-2015 йилларда республика соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилишни янада чуқурлаштиришда тизимнинг меъерий-ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш, аҳолига, айниқса, қишлоқ жойларда тиббий санитария ёрдами сифати ва қулайлиги даражасини ошириш, ихтисослаштирилган марказлар, шу жумладан, онкологик, сил касалликлари фаолиятини тубдан такомиллаштириш, шошилиш ва тез тиббий ёрдам кўрсатиш хизмати самарадорлигини, хизматлар тезкорлиги ва сифатини ошириш, она ва бола саломатлигини муҳофаза қилиш тизимини такомиллаштириш, соғлиқни сақлаш нодавлат сектори фаолиятини тартибга солиш борасида оширилган самарали ишларга алоҳида урғу бериб, муваффақиятларга эришилганлигини айтиб ўтди. Шунингдек,

(Давоми 4-бетда).



**Бугунги кунда юртимизда 3 минг 202 та
ҚВПлар аҳолига бирламчи тиббий
санитария ёрдами кўрсатмоқда**

БИРЛАМЧИ ТИЗИМ ФАОЛИЯТИНИ ЯНАДА ТАКОМИЛЛАШТИРИШ замонавий тиббиёт имкониятларини кенгайтиради

(Давоми. Боши
1-, 3-бетларда).

Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 22 июлдаги "Республиканинг қишлоқ туманларида оналар ва болаларнинг репродуктив саломатлигини мустаҳкамлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги 156-сонли қарорига асосан 2011-2015 йилларда ҳар йили қишлоқ жойларда яшовчи 440 мингга яқин ҳомиладор аёллар 8,0 миллиард сўмлик поливитаминлар комплекси билан бепул таъминланиши режалаштирилди. Дастурни татбиқ этиш мобайнида ҳомиладор аёллар ўртасида жами 2106319 "Компливит Мама" поливитаминлар упаковки 574345 нафар ҳомиладор аёлларга тарқатилди. 2012 йил-

да эса 282826 нафар ҳомиладор аёлларга 1191603 упаковка поливитаминлар комплекси берилганлиги, оналик ва болаликни муҳофаза қилишда қўлга киритилаётган ютуқлар халқаро экспертлар томонидан эътироф этилаётганлигини ўз маърузасида таъкидлади Соғлиқни сақлаш вазири Анвар Алимов.

Шу ўринда таъкидлаш муҳимки, Соғлиқни сақлаш вазири А. Алимов тиббиётнинг барча йўналишларида қўлга киритилаётган ютуқлар қаторида камчилик ва муаммолар ҳам учраётганлигини айтди. Шу жумладан, Сурхондарё вилояти соғлиқни сақлаш тизимида ечимини кутаётган муаммоларга ҳам алоҳида тўхталиб, уларни бартараф этиш муҳимлигини айтиб ўтди.

Республикамиз миқёсида ўтказилган бундай тадбирларда шу нарса таъкидландики, бу фаолиятларда йўл қўйилган камчиликларга турли даражадаги айрим раҳбар ходимларнинг ишга масъулиятсизлиги билан ёндошаётганликлари сабаб бўлаётганлигини кўрсатади. Албатта, бундай йиғилишларнинг ташкиллаштирилиши бежизга эмас. Чунки, соҳага оид Юртбошимиз ҳамда Вазирлар Маҳкамаси томонидан қабул қилинаётган фармон ва қарорлар замирида инсон саломатлиги ва унинг муҳофазаси мужассам эканлиги барчамизга ойдек равшан. Бунинг учун чиқарилаётган ҳар бир меъёрий ҳужжатларнинг мазмун-моҳиятини тушуниб етиш раҳбар ходимларни ҳар томонлама масъулият билан ишлашга ундайди.



НАЗАРИЯ ВА АМАЛИЁТНИНГ УЗВИЙ БИРЛИГИ

кадрлар малакасини оширишда муҳим омил ҳисобланади



ва малакасини ошириш курси раҳбарлари, Республика саломатлик ва тиббий статистика институти масъул ходимлари, вазирликнинг Назорат инспекцияси мутахассисларидан иборат бўлди.

Аттестация жараёнларини кузатар эканмиз, аттестация комиссияси томонидан тузилган саволларга эътибор қаратдик. Унда соҳага оид чиқарилаётган қонун ва қарорлар моҳияти, маънавий-маърифий ҳамда ҚВП мудирининг лавозим ва бурчларига оид саволлар кўйилган. Бундан ташқари, ҚВПда юритиладиган мавжуд тиббий ҳисоб журналлари ҳам ишчи гуруҳи томонидан текширилди.

Шароф ҚОСИМОВ,
Тошкент врачлар малакасини ошириш институти «Умумий амалиёт шифокорлари малакасини ошириш» кафедраси мудири:

– Назарий ва амалий билимларни биргаликда олиб бориш соҳа мутахассиси билим ва тажрибаси ошишида муҳим аҳамият касб этади. Мана бир неча йилдирки, Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳамда "Саломатлик" лойиҳаси доирасида 10 ойлик ўқув курсида умумий амалиёт шифокорларини ўқитиш давом этиб келмоқда. Эндilikда жойларда бўлиб, бирламчи тизимда фаолият

(Давоми 5-бетда).

Кейинги йилларда соғлиқни сақлаш тизимида мутахассислар билим ва тажрибасини оширишга катта эътибор қаратилиб, уларга назарий, амалий ҳамда услубий ёрдамлар кўрсатиб келинмоқда.

Соҳанинг барча йўналишларида шифокор ва ҳамшираларнинг билим малакасини баҳолаш, маънавий-маърифий савиясини бойитиш, соҳага оид чиқарилаётган қонун ва қарорлар моҳиятини чуқур билиш мақсадида Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан ўтказилаётган аттестациялар бундан мустасно эмас.

2013 йилнинг 11 ноябрь кунини Сурхондарё вилояти соғлиқни сақлаш бошқармаси тасарруфидаги қишлоқ врачлик пунктлари мудирлари аттестациядан ўтишди. Аттестацияда иштирок этувчи

ишчи гуруҳлар вазирлик томонидан танланиб, улар етакчи клиникаларнинг мутахассислари, Тошкент шаҳридаги оилавий поликлиникаларнинг бош врачлари, умумий амалиёт шифокорларини қайта тайёрлаш



юритаётган раҳбар ходимларнинг билим ва тажрибасини баҳолаш тизим самарадорлигини ошириш ҳамда аҳолига сифатли тиббий хизмат кўрсатишда асосий омил бўлиб хизмат қилмоқда. Октябрь ва ноябрь ойларида республика миқёсидаги ҚВП мудирларини аттестациядан ўтказдик. Уларнинг кас-

димларнинг узлуксиз таълим жараёнлари ва ўқув курсларида тахсил олганликлари имтиҳон жараёнида ўз ифодасини кўрсатди. Бу аттестациянинг менга маъқул томони – ишчи гуруҳлар барча йўналишлардан танлаб олинганлиги бўлди. Чунки, ҳар биримиз ўз йўналишимиз бўйича саволларга жавоб

тидан келиб чиққан ҳолда саволларга жавоб берди. Имтиҳон давомида ҚВП мудирлари ўзларини қизиқтирган саволлари билан бизга муурожаат қилишиб, керакли тавсия ва маслаҳатларимизни олишди. Шунинг билан таъкидлардимки, вазирлик томонидан тақлиф қилинган гуруҳ аъзолари ҚВП мудирларига ҳар томонла-



НАЗАРИЯ ВА АМАЛИЁТНИНГ ЎЗВИЙ БИРЛИГИ

кадрлар малакасини оширишда муҳим омил ҳисобланади



бий маҳорати, маънавий-маърифий билимлари имтиҳон қилиниб, услубий ва амалий ёрдамлар кўрсатилди. Аттестация жараёнида ҚВПлардаги мавжуд тиббий ҳужжатлар ҳам

олиш билан бирга, ҚВП мудирларининг дунёқараши кенглигини ҳам кузатдик. Айниқса, уларнинг соҳага оид фармон ва қарорлар моҳиятини чуқур билишлари, бундан та-

ма назарий, амалий, услубий ёрдам бера олди. Аттестациянинг яна бир фойдали томони – раҳбар ходимларнинг касбий маҳоратини ошириш билан бирга, жамиятимиз тараққиёти юк-

латлар тўғри йўлга қўйилган. Бир сўз билан айтганда бирламчи тиббиётнинг миллий модели яратилган. Айниқса, ҚВПларда соҳага оид фармон, қарор ҳамда вазирликнинг буйруқлари ижро-

фаолиятини янада такомиллаштириш учун вазирликнинг буйруқларига кўпроқ эътибор қаратишга тўғри келади. Айниқса, 161-сонли буйруқнинг қабул қилинганлиги барчамиз учун катта дас-



ўрганилиб, шу жараёнда кўплаб ҚВП мудирларини ўз лавозимига лойиқлиги аниқланди. Шу билан бир қаторда, айрим ҚВПларда юритаётган ҳужжатларда жузъий камчиликлар борлиги ҳам аниқла-

шқари, маънавий билимга бойликлари ва касбий тажрибалари борлиги аниқланди. Ўйламанки, ана шундай оммавий тарзда ўтказилаётган аттестациялар ўз самарасини бермасдан қолмайди.

салишидаги фаолиятларга кучлироқ эътибор қаратишга хизмат қилади.
Захро РАСУЛХЎЖАЕВА,
Тошкент шаҳар 39-оилавий
поликлиника бош врач:
– Мана бир неча йилдирки,

си бўйича берилган саволларга ҚВП мудирлари талаб даражасида жавоб беришди. Шунингдек, муассасада мавжуд тиббий ҳисоб ҳужжатлари тўғри юритилганлигининг ҳам гувоҳи бўлдик. Шундай бўлсада, ҚВП

туриламал бўлди десам, хато қилмайман. Лекин, ютуқ бор жойда камчиликлар ҳам бўлади. Аттестация жараёнида ана шундай ҳолатларга ҳам дуч келдик. Шу ўринда уларга муҳим тавсия ва кўрсатмалар бердик.



ниб, уларга керакли тавсиялар берилди.
Шухрат АЛИМАРДОНОВ,
Республика саломатлик ва тиббий статистика институти бўлим мудир:
– Тизимда республика миқёсида ўтказилган аттестация бўйича хулоса қилиб айтмоқчиманки, ҚВПларда фаолият юритаётган раҳбар хо-

Рифат МАМУТОВ,
Соғлиқни сақлаш вазирлиги бош кардиологи:
– Аттестация жараёнида бирламчи тиббиёт тизимидаги фаолиятлар янада такомиллашганлиги, шунингдек, ҚВПларда хизмат қилишнинг ўзига хос машаққатли томонлари борлигига гувоҳ бўлдим. Имтиҳонга келган ҳар бир ҚВП мудирини ўз фаоли-

бирламчи тизимда олиб борилаётган ишлар ўз натижасини бериб, аҳоли орасида саломатлик кўрсаткичлари ижобий томонга ўзгариб бормоқда. Биз Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоят соғлиқни сақлаш бошқармалари тасарруфидаги ҚВП мудирларини аттестациядан ўтказдик. Шу жараёндан англаётдимки, бу йўналишда фаоли-

Аттестациянинг моҳиятли жиҳати шу бўлдики, имтиҳон топширган ҚВП мудирлари етакчи клиникалардан келган мутахассислардан даволаш ва диагностикадаги янгиликларни ўрганган бўлсалар, Республика саломатлик ва тиббий статистика институти ходимларидан эса статистик кўрсаткичларда хатоликка йўл қўймаслик, аҳоли репродуктив саломатлиги маркази мутахассисларидан соғлом турмуш тарзи, аҳолига чуқур кириб бориш, оилавий поликлинника бош шифокорларидан меъёрий ҳужжатларни тўғри юритиш ҳамда буйруқлар ижросини ўз вақтида бажариш муҳимлигини янада тушуниб етдилар.

Обуна — 2014

Хурматли муштарийлар!
«Ўзбекистонда соғлиқни сақлаш – Здравоохранение Узбекистана» газетасига 2014 йил учун обуна мавсуми давом этмоқда.
Республика тиббиёт тизимида амалга

оширилаётган ижобий ишлар ҳамда ҳамкасбларингиз тажрибаси билан танишишни, шунингдек, тиббиёт янгиликларидан хабардор бўлишни истасангиз, сеvimли газетангизга обуна бўлишни унутманг!
Нашр индекси: 128.

Хурматли муштарийлар!

Агар Сиз обуна бўлган ҳудудда газетанинг кечикиб бориш ҳолатлари кузатилса, таҳририятнинг қуйидаги рақамларига муурожаат қилишингиз мумкин: (8371) 233-13-22, 233-57-73.



ФАОЛИЯТЛАР ИЗЧИЛЛИГИ — САМАРАДОРЛИК ГАРОВИ

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳамда «Саломатлик-3» лойиҳаси ҳамкорлигида олиб борилаётган фаолиятлар янада жадаллик билан амалга оширилапти. Шу ўринда айтиш муҳимки, Инвестиция дастури асосида кўплаб тиббиёт муассасалари янгидан бунёд этилди, айримлари эса капитал реконструкция қилиниб, фойдаланишга топширилди. Инвестиция дастури шуниси билан аҳамиятлики, республикамиздаги барча тиббиёт муассасалари кенг қамраб олиниб, қурилиш ва рекон-

струкция ишлари босқичма-босқич бажарилмоқда. Айтиш керакки, айни вақтда вилоятлар миқёсидаги кўпгина туман тиббиёт бирлашмалари, шунингдек, туман кўп тармоқли поликлиникаларида дастур доирасидаги ишлар тугатилиб, элга намунали хизмат кўрсатилмоқда. Шифо масканларини зарурий тиббий асбоб-ускуна ва замонавий жиҳозлар билан таъминлаш ҳамда мутахассислар билан малакасини оширишда «Саломатлик-3» лойиҳасининг ўз ўрни борлигини айтиб ўтиш муҳим.



Куни кеча Сурхондарё вилоятининг Шеробод ва Жарқўрғон туман тиббиёт бирлашмаларида бўлиб, Инвестиция дастури асосида амалга оширилаётган ишлар, шунингдек, «Саломатлик-3» лойиҳасига мувофиқ келтирилиши қўллаётган жиҳозлар учун ниҳоясига етказилаётган туман кўп тармоқли марказий поликлиникаси ҳамда бирлашма бўлимлари билан танишдик.

Шеробод туман тиббиёт бирлашмасига кириб борар эканмиз, Инвестиция дастури асосида янгидан барпо этилган, замон талабларига жавоб бера оладиган шифо масканининг ичкариси ва унинг ташқи кўриниши диққатимизни ўзига тортди. Айтганда, бинонинг ўзига хос меъморчилик услубида ва оптимизация (битта жойда) қурилганлиги Инвестиция дастурининг асо-

сий мақсадларидан бири эканлиги кўриниб турибди. Бино ичкарига кирганимизда, дастлаб, туман кўп тармоқли марказий поликлиникаси, терапия, хирургия, шошилинч тиббий



ёрдам, туғруқхона, диагностика ва операция хоналарини кўздан кечириб эканмиз, ўз ниҳоясига етказилган қурилиш ишлари сифатли бажарилганлиги ва айрим

жиҳозлар хоналарда мавжудлигининг гувоҳи бўлдик. «Саломатлик-3» лойиҳаси асосида келтирилаётган флюорография ва рақамли рентген аппаратлари учун

махсус хоналар очилган. Тиббий асбоб-ускуналар жойлаштириладиган хоналар саранжом-саришта. Жорий йилнинг декабрь ойида қурилиш-монтаж ишлари ниҳоясига етказилиб, аҳоли ушбу шифо маскани тиббий хизматидан фойдаланиш имкониятига эга бўлади. Албатта, бундай машаққатли ишлар ўз-ўзидан бўлаётгани йўқ. Бинобарин, инсон саломатлиги учун харид қилинаётган тиббий асбоб-ускуна, қимматбаҳо аппаратларга осонликча эришилмаяпти, буларга қанчадан-қанча маблағ сарфланаяпти. Шунинг учун биринчи навбатда ҳар бир раҳбар ходим ўз ишига масъулият билан ёндошган ҳолда, шартлардан оқилона фойдаланмоғи ва давлат мулкни кўз қорачиғидай асраса, мақсадга мувофиқ бўлади.

Жарқўрғон туман тиббиёт бирлашмасида Инвестиция дастури асосида олиб борилган қурилиш-таъмирлаш ишлари билан танишганимизда, дастур бўйича 25 ўринли режали хирургик рентген, зарарсизлантириш, лаборатория бўлимлари янгидан қуриб битказилганлигини гувоҳи бўлдик.



Юқорида тилга олиб ўтилган бўлимлар «Саломатлик-3» лойиҳаси томонидан тақдим этилиши кўзда тутилган жиҳозлар учун тайёр. Лекин флюорография аппарати учун туман кўп тармоқли марказий поликлиникадаги махсус хона тайёр эмас. 2014 йил Инвестиция дастури асосида 40 ўринли болалар бўлими, шифохона ички дорихонаси ва ошхона биналарини янгидан қуриш ҳамда айрим биналарни реконструкция қилиш режалаштирилган. Шунингдек, ТТБ тасарруфида 50000 қатновли марказий ёрдам бўлимининг янгидан қурилиши учун тақлиф берилган. Бунинг баробарида ҳар бири 50 қатновга мўлжалланган «Қораёғоч», «Боботоғ» ва «Қумқишлоқ» ҚВПларининг лойиҳаси тайёрланган ва янги бино қурилиши кўзда тутилган.



Иккита туман тиббиёт бирлашмалари фаолияти билан танишиб қайтар эканмиз, Инвестиция дастури асосида кўплаб ишлар амалга оширилганлигига амин бўлдик. Бироқ, ниҳоясига етказилмаган ишлар ҳам етарли. Уйлаймизки, бу ишларда туман хокимлиги, ТТБнинг масъул раҳбар ходимлари, қолаверса, қурувчи компанияларининг ҳамжиҳатлиги зарур деб биламиз.

85 ўринли туғруқхона комплексида реконструкция ишлари тугалланиб, фойдаланишга топширилиш арафасида. Ишга тушиш арафасида турган бўлимларга жиҳозларнинг бири қисми келтирилган ва улар ноябрь ойининг охиригача ишга туширилади. Бундан ташқари, туман кўп тармоқли марказий поликлиникаси 2013 йил Инвестиция дастурига киритилган бўлиб, шу кунга қадар бинода реконструкция ишлари 85 фоизга бажарилган.



«Саломатлик-3» лойиҳасини татбиқ этиш марказий бюроси.

Ижрочи директор Ж. ЖАБРИЕВ.

100007, Тошкент шаҳри, Паркент кўчаси, 51, Тошкент врачлар малакасини

ошириш институти,

3-қават. Телефонлар: 268-08-19, 267-73-47.

268-25-39 (факс). E-mail:office@jpib.uz

Лойиҳа материалларини

Ибодат СОАТОВА тайёрлади.

Муаллиф олган суратлар.

Медицинские учреждения страны

СЕМЕЙНАЯ ПОЛИКЛИНИКА — НАДЕЖНАЯ ПОМОЩЬ

Оказывая жителям качественные медицинские услуги, коллектив семейной поликлиники № 21, что в Алмазарском районе столицы, содействует реализации на практике одного из важнейших прав граждан, закрепленных в Конституции страны.

В годы независимости по инициативе Президента Ислама Каримова осуществлены кардинальные реформы в системе здравоохранения. Реализуется ряд государственных программ, направленных на предотвращение врожденных и наследственных заболеваний, внедрение современных методов диагностики и лечения, широкую профилактическую работу.

Благодаря оснащению новым оборудованием и транспортом семейных поликлиник, врачебных пунктов и службы экстренной медицинской помощи получить качественную медицинскую помощь теперь можно в любом уголке Узбекистана. Все это служит обеспечению равного доступа к медицинским услугам всех жителей, практическому воплощению принципов, заложенных в основном Законе страны.

Немало сделано для охраны ключевой для будущего республики сферы охраны материнства и детства. Руководством к действию для медиков стали Постановления главы государства «О программе мер по дальнейшему усилению и повышению эффективности проводимой работы по укреплению репродуктивного здоровья населения, рождению здорового ребенка, формированию физически и духовно развитого поколения на 2009-2013 годы» и «О дополнительных мерах по охране здоровья

матери и ребенка, формированию здорового поколения».

Этот аспект является одним из главных и для медперсонала поликлиники № 21. Это учреждение полностью отвечает требованиям современной медицины. После недавней капитальной реконструкции двухэтажное здание поликлиники выглядит очень современно. В

рамках проекта «Здоровье-3» установлено новейшее медико-диагностическое, лабораторное оборудование: УЗИ, бинокулярный микроскоп и др. Здесь созданы все условия для приема больных. В каждом кабинете есть все возможности для проведения комплексного медицинского осмотра, диагностики, назначения необходимых процедур матерям, детям и другим членам семей, работают здесь опытные специалисты.

— Наша семейная поликлиника, рассчитанная на 300 посещений в смену, — рассказывает заместитель главного врача Мухамеджанова Лола Насировна — обслуживает 10056 семей, это — более 39 тысяч человек, проживающих в девяти махаллях. Мы обслуживаем также 3 школы, 1 колледж и 1 лицей, 7 до-



школьных учреждений. Прием и лечение больных осуществляют 41 врач, 17 из них врачи общей практики, и 103 медсестры, более половины из которых имеют высшую категорию.


В тесном сотрудничестве со сходами граждан врачи и медсестры постоянно проводят среди населения микрорайона, особенно молодежи, мероприятия по предупреждению наиболее опасных заболеваний, беседуют о профилактике инфекционных заболеваний, о проблемах ранних, поздних и родственных браков. На каждую семью заведен медицинский паспорт, куда вносятся все сведения о здоровье членов семьи. Под особый контроль мы взяли 10100 женщин фертильного возраста и несовершеннолетних. Регулярно проводим медицинское обследование, а при

необходимости — соответствующее лечение. Малыши, за которыми присматривают семейные врачи и патронажные медсестры, своевременно получают прививки. Именно за счет профилактики и предупреждения, приобщения населения к здоровому образу жизни за последние годы снижены показатели заболеваний среди женщин и детей, заметно улучшилось здоровье населения в целом. В этом немалая заслуга таких опытных врачей общей практики, как Жамшира Хаитова, Гульчехра Шамакудова, медсестры Наргиза Туйчиева, Нигора Кабулова и многих другие.

Инна КОГАН.

НА СНИМКАХ: рабочие будни поликлиники № 21.

Автор фото Джасур ДЖАЛИЛОВ.



Илмий-амалий конференция

ИНСУЛЬТНИ ДАВОЛАШ — ДАВРНИНГ МУҲИМ ВАЗИФАСИ

Тошкент шаҳрида ўтказилган халқаро илмий-амалий конференцияда ана шу масала муҳокама қилинди

Мамлакатимизда аҳоли саломатлигини сақлаш билан боғлиқ кенг кўламдаги ислохотларга бош-қош бўлаётган Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш вазирлиги кўплаб тадбирларни ҳам амалга ошириб келмоқда. Ўтказилаётган тадбирлардан асосий мақсад аҳоли саломатлигини яхшилаш, унга сифатли тиббий хизмат кўрсатишни таъминлашдир. Зеро, аҳоли саломатлигини муҳофаза қилишда бир-бирига мазмунан яқин бўлган бундай тадбирлар стратегик йўналиш эканлиги ҳеч биримизга сир эмас.



«Интерконтиненталь» меҳмонхонасида ўтказилган «Бош мия қон айланиши бузилиши муаммоларини бартараф қилишнинг долзарб масалалари»га бағишланган илмий-амалий конференция катта мақсадни қамраб олганлиги билан муҳим аҳамиятга эга бўлди. Ушбу тадбирни ташкил этишда ташаббускор бўлган Тошкент тиббиёт академияси бир неча йилдан буён Соғлиқни сақлаш вазирлиги билан биргаликда айнан шу масалага бағишланган тадбирларни ўтказиб келади.

Кўпчиликка маълумки, бош мияда қон яхши айланмаса, инсон ҳаётига катта хавф туғдирувчи инсульт касаллиги келиб чиқади. Бунинг олдини олиш аслида ҳар бир инсоннинг ўзига боғлиқ. Бу касалликка чалинган кишига ёрдам кўрсатиш, даволаш чораларини кўриш, профилактик тадбирларни қўллаш мақсадида 2009 йил январь ойида Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирининг «Сурункали бош мия қон айланиши етишмовчилигининг диагностикаси ва даволашда замонавий йўналишларни ривожлантириш тўғрисида»ги буйруғи эълон қилинган бўлиб, ўтган давр мобайнида муайян ишлар амалга оширилди. Ушбу буйруқ асосида инсульт миллий регистрини ташкил қилиш ҳамда экстракраниал артерия патологиялар замонавий диагностикаси ва хирургик даволаш масалалари юзасидан стандарт ва клиник баённома ишлаб чиқилган. Даволаш жараёнини олиб боришда ушбу меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларга таяниб иш кўрилмақда.

Конференцияда иштирок этган тиббиёт йўналишидаги олий таълим муассасалари профессор-ўқитувчилари, инсульт касаллигини даволашга ихтисослаштирилган клиника шифокорлари, вилоят соғлиқни сақлаш бошқармасида фаолият кўрсатаётган бош невролог ҳамда кардиологлар сурункали бош мия қон айланишига чалинган беморлар саломатлигини муҳофаза қилиш ва мустаҳкамлаш бўйича фикр алмашиб, ўзаро тажриба алмашдилар.

Илмий-амалий конференцияда Мустақил давлатлар ҳамдўстлигига аъзо давлатлар ҳамда хорижий мутахассислар Ўзбекистонда инсульт касаллигини даволаш бўйича олиб борилаётган тажрибалар билан танишдилар. Айни пайтда ўзбекистонлик назариётчи ва амалиётчи шифокорларнинг чет элликлар тажрибаси билан танишувига имконият яратилди. Бир нечта йўналишдаги шўба йиғилишларида ўз маърузаларини тақдим этган тадқиқотчилар ҳамкасбларининг фикр, мулоҳаза ва таклифларидан бохабар бўлдилар.

— Кенг миқёсда ўтказилган ушбу тадбир республикамиз клиникаларида фаолият кўрсатаётган шифокорлар касбий маҳорати ва билим савиясини оширади, — дейди конференция тафсилотларини

умумлаштириб Тошкент тиббиёт академияси 2-клиника неврология бўлими раҳбари Равшан Суннатов. — Дунёда кузатилаётган глобаллашув жараёни инсон саломатлигини асраб-авайлашга салбий таъсир кўрсатаётган бир



вақтда мультифокал атеросклерозли беморлар саломатлигини муҳофаза қилиш ва ишемик инсультни камайтириш долзарб масаладир. Шундай экан, икки кун давом этган илмий-амалий конференция сурункали бош мия қон айланишининг бузилиши натижасида келиб чиқадиган инсультни даволашда барча мутахассислар билим доираси ва тажрибасини бойитишига шубҳа йўқ.

Хулқар КУЗМЕТОВА.
Суратлар муаллифи
Анвар САМАТХОДЖАЕВ.

Инвестиция дастури — амалда

ПОЛИКЛИНИКА ЯНГИ БИНОДА ИШ БОШЛАДИ



Самарқанд вилоятининг Иштихон туманида кўп тармоқли марказий поликлиниканинг янги биноси фойдаланишга топширилди.



Иштихон туманида аҳоли саломатлигини муҳофаза қилиш борасида изчил ишлар амалга оширилмоқда. Айниқса, Инвестиция дастури асосида мазкур йилда туман тиббиёт бирлашмасининг қабул ва диагностика, шошилич тез тиббий ёрдам бўлимлари замонавий биноларда фаолият бошлагани бунинг яққол ифодасидир.

Муассаса ходимлари фаолият юритишлари учун барча шароит ва имкониятлар мавжуд бўлиб, улар 212 минг аҳолига рангли “Доплер” ультратовуш текшируви, стоматология жамламаси, ЭХО энцефалографияси каби замонавий асбоб-ускуналарда малакали тиббий хизмат кўрсатиб келмоқда. Шунингдек, бундай кўркам ва ички ҳамда ташқи кўриниши давр талабларига жавоб бера оладиган бинода тажрибали шифокор ва ҳамшираларнинг сидқидилдан ишлаётганликлари аҳолини янада мамнун этмоқда.

— Инсон саломатлиги ва унинг манфаатларини ўйлаб, кенг имконият ва шароит яратаётган давлатимизга раҳмат. Авваллари оддий, шароити етарли бўлмаган поликлиникаларда иш олиб борар эдик. Мустақиллик шарофати билан замонавий бинога, энг сўнгги русумдаги тиббий асбоб-ускуналарга эга бўлдик. Яна бир муҳим жиҳати — аҳоли учун кенг қулайликлар, яъни навбат, тахлилий натижаларни кутишга ҳолат қолмади. Замонавий лаборатория жам-



ламалари таҳлилларни бир зумда чиқариб бера олади, — дейди шифокори Феруза Мелиева. Иштихон туманидаги кўп тар-



Анжуман

ИЛМИЙ САЛОҲИЯТ
ЮКСАЛМОҚДА

Андижонда “Гастроэнтерологиянинг долзарб муаммолари” мавзусида республика илмий-амалий анжумани бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги мутасаддилари, юртимиздаги тиббиёт олий ўқув юртлири профессор-ўқитувчилари, илмий марказлар мутахассислари, чет эллик олимлар, талаба-ёшлар ва оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

Тадбирда Президентимиз Ислон Каримов раҳнамолигида тиббиёт соҳасида амалга оширилаётган кенг кўламли иш-хотлар юксак самара бераётгани, айниқса, мутахассисларнинг илмий салоҳияти ортиб, аҳолининг тиббий маданияти тобора юксалиб бораётгани таъкидланди.

Касалликларнинг олдини олиш, эрта аниқлаш ва самарали даволаш тадбирларини ўз вақтида ташкил этиш юзасидан таклиф, тавсия ва фикр-мулоҳазалар билдирилиб, мавжуд муаммоларни бартараф этиш хусусида сўз юритилди. Ошқозон ва ўн икки бармоқли ичак яраси касаллиги, жумладан, гастритни самарали даволаш юзасидан илмий маърузалар тингланди, амалиётга татбиқ этилаётган илғор усуллар тақдимотлари бўлиб ўтди.

Мамлакатимиз ва хорижлик олимлар томонидан мазкур йўналишдаги хасталикларни самарали даволаш бўйича маҳорат машғулотлари ўтказилди.

— Анжуман давомида Ўзбекистонда соғлиқни сақлаш тизимида жуда юксак эътибор қаратилаётганига амин бўлдим, — дейди Украинанинг Донецк миллий тиббиёт университети профессори Наталья Губергриц. — Айниқса, гастроэнтерология ва гепатология соҳасида олиб борилаётган ишлар, ушбу хасталикларни даволашда илғор тажриба ва фан ютуқларидан самарали фойдаланиш тизимининг шаклланиши Ўзбекистон тиббиётининг илмий салоҳияти юқорилигини кўрсатади.

Ў.А.

Спорт

ВСЕ ДЛЯ МАЛЕНЬКИХ СПОРТСМЕНОВ



В детско-спортивном комплексе “Уч-тепа” города Ташкента всегда много детей. К их услугам здесь работают секции футбола, большого тенниса, волейбола, борьбы, художественной гимнастики и таэквондо ГТФ.

Мамы, недавно приведшие своих детей в секцию “Таэквондо ГТФ”, где ведёт группу обладатель 3 дана чёрного пояса, вице-президент ГТФ Теодор Цардус, знают, что он отличный педагог, может найти язык с маленькими спортсменами и сможет дать элементарные навыки в этом

виде спорта, а заодно приучит и к дисциплине.

Кандидат в мастера спорта по художественной гимнастике Юлдуз Мухамедова прекрасно понимает родителей, приведших к ней девочек. Надо из маленького “цыплёнка” слепить гибкую, изящную, стройную красавицу. Конечно, на всё надо время и терпение, объяснить популярно малышке значимость каждого упражнения, рассказать, что оно даёт ей, если его правильно выполнять. Со временем ребёнок понимает, что это просто необходимо для его здоровья и престижности в обществе, что немаловажно в нашей жизни.

А. ПОПОВ.
Фото автора.



Объявление

Представительство “Юрия-Фарм” в Республике Узбекистан вносит поправку в информационный материал “Эндогенная интоксикация”. На странице 3, заглавие “Инфузионная детоксикация”, в столбце “Препараты” в 4 строке следует читать: “Рингер лактатный, Реамберин”, в строке 5 следует читать: “Натрия хлорид 0,9%, глюкоза 5%, гидроксипропилкрахмал, желатина, натрия гидрокарбонат, декстран-40 (6% раствор)”.

Газета
муассиси:
Ўзбекистон
Республикаси
Соғлиқни
сақлаш
вазирлиги

Бош муҳаррир Асилбек ХУДАЯРОВ
Нашр учун масъул
Бош муҳаррир ўринбосари
Ибодат СОАТОВА

Газета ўзбек ва рус тилларида чоп этилади. Ҳафтанинг жума кунлари чиқади. Мақолалар кўчириб босилганда «O'zbekistonda sog'liqni saqlash — Здравоохранение Узбекистана» газетасидан олинди, деб кўрсатилиши шарт.
Интернет саҳифаларидан фойдаланилган суратларга «@» шартли белгиси қўйилади.

Манзилмиз: 100060, Тошкент шаҳри,
Истикфол кўчаси, 30-уй, 2-қават.
Тел/факс: 233-13-22, тел.: 233-57-73. Газета
Ўзбекистон Республикаси Матбуот ва ахборот
агентлигида 2009 йилнинг 11 март куни
рўйхатга олинган. Гувоҳнома рақами 0015.

Газета материаллари таҳририят
компьютер марказида
терилди ва саҳифаланди.

Адади 5721 нусха.
Буюртма Г-1145.

Газета «ШАРҚ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида
чоп этилди. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.
Газета ҳажми 2 босма табоқ. Формати А3. Офсет усулида босилган.

Саҳифаловчи Бахтиёр ҚУШОҚОВ.

Босмахонага топшириш вақти — 20.00.

